DOI: https://doi.org/10.5281/zenodo.7635851 Pages: 727-735




WOMEN IN SUSTAINABLE DEVELOPMENT: SCIENCE AND QUALITY EDUCATION

3RD INTERNATIONAL CONFERENCE


ТЕХНОЛОГИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ "ТЕХНОЛОГИЯ" ЎҚУВ ФАНИДА ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ.

Дилафруз Холмирзаева
Андижон давлат университети
"Умумтехника фанлари ва мехнат таьлими"
кафедраси ўқитувчиси
Dilafruzxolmirzayeva270@gmail.com

Мадинабону Каримова
Андижон давлат университети
"Умумтехника фанлари ва мехнат таьлими"
кафедраси ўқитувчиси
Abdugafforkarimov7@gmail.com

Насимахон Сарқулова
Андижон вилояти Жалақудуқ тумани
8-умумий ўрта таълим мактабитехнология фани ўқитувчиси
sarqulovanasimaxon@gmail.com

Kalit so'zlar: компетенция, инновация, когнитив, ижодкор, технология, креатив, диаграммалар, таълим, бадиий, санъат, меҳнат, технократик, моно-ахборот, интегратив-технологик, илмий, педагогик, адабиёт

Annotatsiya: Ушбу мақолада 5-7-синф ўқувчиларида шаклантириладиган технологик компетенцияларнинг фалсафий, педагогик-психологик мезонларини таҳлил этиш; инновацион ёндашув асосида умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантиришнинг ташкилий тузилмавий модели ва алгоритмик харитасини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш технологиясини такомиллаштириш; хақида назарий маьлумотлар келтирилган. Бундан ташкари ўқувчилар технологик компетенцияларининг асосий компонентлари (билиш, график, амалий, ижодий) ўқув-технологик фаолият турлари (психомоторик, функционал, амалий) ва интерфаол таълим технологиялари (STEAM, "SMART texnology") даражаларига мос компетенциялар тизими асосида такомиллаштирилган;

- умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантиришнинг ташкилий тузилмавий модели дарс машғулотлари сифати

ва таълим траекторияларини STEAM – таълим ёндашувига индивидуаллаштириш асосида такомиллаштирилган бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Унга кўра, 5-7-синф ўқувчиларида технологик компетенцияларни самарали шакллантиришнинг методик асосларидан умумий ўрта таълим мактаблари дарс жараёнида, амалий машғулотларида, техник ижодкорлик уйларида ва бошқа болалар ташкилотларида фойдаланиш мумкин, шунингдек, таълим муассасаларининг салбий оқибатларини бартараф этишга ёрдам берадиган асосий механизмлардан бири эканлигини кузатишимиз мумкин.

TYPES OF TECHNOLOGICAL COMPETENCES AND THEIR PRESENTATION IN THE SUBJECT "TECHNOLOGY"

Key words: competence, innovation, cognitive, creative, technology, creative, diagrams, education, artistic, art, labor, technocratic, mono-informational, integrative-technological, scientific, pedagogical, literature.

Abstract: This article analyzes the philosophical, pedagogical and psychological criteria of technological competences formed in 5th-7th grade students; improvement of the technology of development and implementation of the organizational structural model and algorithmic map of the formation of technological competences in general secondary school students based on an innovative approach; theoretical information is presented. In addition, the main components of students' technological competences (knowledge, graphic, practical, creative) are improved based on the system of competences corresponding to the levels of educational-technological activities (psychomotor, functional, practical) and interactive educational technologies (STEAM, "SMART technology");

- studies were carried out on the improvement of the organizational structural model of formation of technological competences among general secondary school students based on the quality of lessons and the individualization of educational trajectories to the STEAM - educational approach. According to him, the methodological bases of effective formation of technological competences in students of 5-7 grades can be used in the course of general secondary education schools, practical training, technical creativity houses and other children's organizations, as well as our observation that it is one of the main mechanisms that help to eliminate the negative consequences of educational institutions possible

ВИДЫ ТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ КОМПЕТЕНЦИЙ И ИХ ПРЕДСТАВЛЕНИЕ ПО ПРЕДМЕТУ «ТЕХНОЛОГИЯ».

Ключевые слова: компетентность, инновация, познавательная, творческая,

Аннотация: В статье анализируются философско-педагогические и психологические критерии технологических компетенций, формируемых

технология, креатив, схемы, образование, художественная, художественная, трудовая, технократическая, моноинформационная, интегративно-технологическая, научная, педагогическая, литература.

у учащихся 5-7 классов; совершенствование технологии разработки и реализации организационно-структурной модели и алгоритмической карты формирования технологических компетенций учащихся общеобразовательной школы на основе инновационного подхода; представлена теоретическая информация. Кроме того, совершенствуются основные компоненты технологических компетенций студентов (знание, изобразительная, практическая, творческая) на основе системы компетенций, соответствующих уровням учебно-технологической деятельности (психомоторная, функциональная, практическая) и интерактивных образовательных технологий (ПАРА). , «СМАРТ-технологии»);

- проведены исследования по совершенствованию организационно-структурной модели формирования технологических компетенций учащихся общеобразовательной школы на основе качества уроков и индивидуализации образовательных траекторий на ПИМ-образовательный подход. По его мнению, методические основы эффективного формирования технологических компетенций у учащихся 5-7 классов могут быть использованы в процессе общеобразовательных школ, практических занятий, домов технического творчества и других детских организаций, а также наше наблюдение, что это является одним из основных механизмов, помогающих устранить негативные последствия деятельности образовательных учреждений.

Ҳозирги замон педагогикаси ўқувчиларни нафақат оддий меҳнат фаолиятига, балки реал ижтимоий-иқтисодий жараёнларга тайёрлашни ҳам назарда тутади. Шунга асосан, умумий таълим назарияси ва амалиётида “меҳнат таълими” тушунчаси ўрнига “технологик таълим”, тушунчаларни кенг қўлланила бошланди. Технология фани мазмунини такомиллаштириш масаласи умумий ўрта таълим тизимининг энг устувор замонавий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўқувчиларда технологик компетенцияларни шакллантиришда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим: ўқувчиларнинг қизиқишига кўра технологик таълим олишлари учун педагогик шарт-шароитларни яратиш; технологик таълимнинг касбга йўналтириш

асосларини такомиллаштириш, технологик таълим шароитда ўқувчиларда меҳнат кўникмаларини шакллантириш ва келгусида касбни мукаммал эгаллашларига замин яратиш, умумий ва касбий таълимнингузвийлигини таъминлаш[56].

“Технология” таълим соҳасида тақдим этилган технологик компетентцияларнинг қуйидаги турларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

Ўзбекистон Республикасида таълимнинг узлуксизлиги, узвийлиги, ўқувчи шахси устуворлигидан келиб чиқиб уларнинг ёш хусусиятларига мос равишда қуйидаги таянч компетенциялар шакллантирилади.

1. **Коммуникатив компетенция** ижтимоий муносабатларда энг аввало она тилида ҳамда бирорта хорижий тилда ўзаро самарали мулоқотга киришa олиш, мулоқотда муомала маданиятига амал қилиш, ижтимоий мослашувчанлик, ҳамкорликда жамоада самарали ишлай олиш лаёқатини назарда тутади.

2. **Ахборотлар билан ишлаш компетенцияси** медиа манбалардан зарур маълумотларни излаб топа олиш, саралаш, қайта ишлаш, сақлаш, улардан самарали фойдалана олиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш кўникма-ларини эгаллашни ҳамда медиамаданиятга эга бўлишни назарда тутади.

3. **Ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияси** доимий равишда ўз-ўзини жисмоний, маънавий, руҳий, интеллектуал ва креатив ривожлантириш, камолотга интилиш, ҳаёт давомида мустақил ўқиб-ўрганиш, когнитивлик кўникмаларини ва ҳаётий тажрибасини мустақил равишда мунтазам ошириб бориш, ўз хатти-ҳаракатини адекват баҳолаш ва мустақил қарор қабул қила олиш кўникмаларни эгаллашни назарда тутади.

4. **Ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси** жамиятда бўлаётган воқеа, ҳодиса ва жараёнларга дахлдорликни ҳис этиш ва уларда фаол иштирок этиш, ўзининг фуқаролик бурч ва ҳуқуқларини

билиши, унга риоя қилиши, ижтимоий-иқтисодий муносабатларда муомала ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлиш лаёқатини назарда тутади.

5. Миллий ва умуммаданий компетенция ватанга садоқатли, инсонларга меҳр-оқибатли ҳамда умуминсоний ва миллий қадриятларга эътиқодли бўлишни, бадиий ва санъат асарларини тушуниш, ораста кийиниш, маданий меъёрларга ва соғлом турмуш тарзига амал қилиш лаёқатини назарда тутади.

6. Математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси аниқ ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда шахсий, оилавий, касбий ва иқтисодий режаларни туза олиш, кундалик фаолиятда турли формула, модель, чизма ва диаграммаларни ўқий олиш, инсон меҳнатини енгиллаштирадиган, меҳнат унумдорлигини оширадиган, қулай шарт-шароитга олиб келадиган фан ва техника янгиликларидан фойдалана олиш кўникмаларини назарда тутади[16].

Технологик таълим жараёнида қуйидаги масалаларни ечиш тақозо этилади:

-ўқитишнинг дастлабки босқичларидаёқ ўқувчиларнинг меҳнат фаолиятининг у ёки бу турига бўлган қобилиятини аниқлаш ва уларни ривожлантириш;

-ўқувчиларнинг ҳаётий, шу жумладан, технологик қадриятлар ҳақидаги тасаввурларни кенгайтириш мақсадида уларга психологик-педагогик ёрдам кўрсатиш;

-технология фани мазмунининг сифатий ўзига хослигини ва ўқувчиларда шакллантириладиган шахсий меҳнат тажрибаси ва фаолият кўникмалари компонентларини аниқлаш;

-ўқувчиларнинг қўл меҳнати соҳасидаги амалий фаолият турлари ва лойиҳалаш фаолиятининг бирлиги асосида технология фани мазмунини босқичма-босқич эгаллашларига имкон яратиш;

-педагогик жараён иштирокчиларининг ёш хусусиятлари, қизиқиши, эҳтиёжи, қобилиятига таяниб, моддий маҳсулотлар яратиш жараёнида уларнинг шахсиймеҳнат тажрибаси ва кўникмаларини шакллантиришга қаратилган ўқув топшириқлари, вазифа ва вазиятлар тизимини ишлаб чиқиш;

-технология фанининг ташкил этувчилари (компонентлари) мазмуни, тузилмаси ва функционал йўналишларини ишлаб чиқиш.

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида технологик компетенция-ларни шакллантириш мазмуни ҳозирги шароитда жамият ва давлат томонидан шахсга бўлган талаблар билан белгиланади. Унинг умумий мақсади мактаб ўқувчиларида технологик қайта қуриш фаолиятининг ўзига хослиги ҳақидаги билимлар тизимининг шаклланиши ҳамда ўз фаолиятида юқори натижаларга эришишга интилган, интеллектуал-маънавий, жисмонан ривожланган ва технологик билимларга эга шахснинг шаклланиши билан аниқланади.

Замонавий илмий-педагогик адабиётларнинг таҳлили ўқувчиларда технологик компетенциялармазмунини шакллантиришга бир қанча ёндашувларни ажратиб кўрсатишга имкон беради: ҳунарга оид технократик, моно-ахборот, интегратив-технологик [64].

Биз мактаб ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантириш мазмунига нисбатан интегратив-технологик ёндашувни афзал ҳисоблаймиз. Бу ерда умумий технология фани гуманитар ва табиий-математик фанлар билимларибилан бирга қўшилиб кетади ва ижодий лойиҳалар, топшириқлар, машқларни бажариш, ишлаб чиқариш меҳнати объектларини тайёрлаш ўқувчиларнинг фаол фаолияти, уларнинг кичик ишлаб чиқаришдаги иштирокини назарда тутади.

Технология таълим соҳасининг асосий мақсади янги ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларда ўқувчиларни мустақил ижодий меҳнат фаолиятига тайёрлашда ёрдам кўрсатиш ҳисобланади. Технология таълим соҳаси олинган билимларни амалиётда татбиқ этишга, ижодий,

аналитик фикрлашга, ўқувчиларни яратувчанлик фаолиятининг ҳар хил турларига жалб этиш асосида уларда ҳамкорликда ишлаш тажрибасини шакллантиради.

5-7-синф ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантириш асосларини муваффақиятли ҳал этиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган фикрлашга оид қуйидаги қобилятларни ривожлантириш лозим:

–кўпроқ ўқувчиларнинг аналитик фаолиятига таянадиган мавҳумлаштириш ва моделлаштиришга бўлган қобилиятлар;

–ҳал этиладиган вазифа шарт-шароитлари ва омилларини доимо ҳисобга олишни, шунингдек, ўқитиш жараёнида синтезни талаб қиладиган умумлаштиришга бўлган қобилиятлар;

–фикрлаш жараёнларини қайта ўзгартириш ва ўзига хос фикрлашда ифодасини топадиган ижодий фикрлашга қобилият [50].

Бу қобилиятлар ўқувчиларнинг бутун ўқув ва меҳнат фаолияти давомида шаклланади. Технологик таълимнинг моҳияти юқорида кўрсатилган қобилиятларнинг ўқувчиларда шаклланиши учун энг мақбул шарт-шароитларни яратишдан иборат.

Мазкур диссертация тадқиқотида инновацион ёндашув асосида мактаб ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантириш мазмуни ва педагогик шарт-шароитлари ўрганилди. Бунда биз уларга педагогик ҳодисаларни юзага келтирувчи, амалга ошириш ва ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи муҳит, вазият ва омиллар сифатида муносабат билдирамиз.

1. Ўқувчиларда технологик компетенцияларни шакллантиришнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш технологик таълим устуворлиги ва моддий ишлаб чиқариш эҳтиёжларига анъанавий йўналганликнинг сақланиб қолганидан далолат беради. Бу эса мактаб ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантиришнинг мақсади ва вазифалари мувофиқлигини қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Ўқувчиларда технологик компетенцияларни шакллантириш мақсадларига моддий ишлаб чиқариш технологиялари ва соҳадаги амалий тайёргарлик доирасида эришиш мумкин.

2. Мактаб ўқувчиларининг меҳнатга, кейинчалик касб эгалашига ва ҳар томонлама етуклигига эришиш учун педагогик жараён иштирокчиларининг ижтимоий ва шахсий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, технологик компетенцияларни шакллантириш тизимини ишлаб чиқиш ва амалда жорий этилишини таъминлаш зарур. Ҳозирги шароитда ўқувчиларда технологик компетенцияларни шакллантириш муаммоси мактаб ўқувчиларини бозор иқтисоди тузилмасига интеграциялаш сифатида ўзининг янги қирраларини намоён этмоқда, шунга мувофиқ меҳнат тарбияси ва технологик тайёрлаш тизими мақсадли, мазмуний ва процессуал характеристикаларини тубдан ўзгартиришни талаб қилади.

3. Илмий-педагогик адабиётлар, умумий ўрта таълим мактабларнинг иш тажрибасини ўрганиш, қайд қилиш ва тажриба-синов натижалари инновацион ёндашув асосида ўқувчиларда технологик компетенцияларни шакллантириш-нинг ташкилий педагогик тузилмасини асослаш имконини берди. Мазкур ташкилий педагогик тузилма ўқувчиларда технологик компетенциялар ривожланишини, иқтисодий, экологик ва технологик билимларини ҳисобга олиб, уларни техника асослари, материаллар, энергия ва ахборотни ўзгартиришнинг янги замонавий истиқболли технологиялари билан таништириш, тизимли, фикрлашга ўргатиш; фаолиятнинг ахборот таъминотида эҳтиёжларни мустақил аниқлаш; янги билимларни узлуксиз эгаллаш, қайта ўзгартириш фаолияти методлари ва воситалари сифатида татбиқ қилишни таъминлайди.

4. Инновацион ёндашув асосида ўқув жараёнини моддий-техник воситалар билан таъминлаш; фаолиятли ва индивидуал ёндашишлар асосида ўқитиш жараёнининг технологик йўналганлигини кучайтириш; эркин

технологик муҳитда ўқувчиларнинг қайта ўзгартириш фаолиятини ташкил қилишўқувчиларда технологик компетенцияларни шакллантиришнинг асосий педагогик шарт-шароитлари ҳисобланади.